

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИЯ ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

*Турганов Бахыт Курбанбаевич*

*Нукус давлат педагогика институту «Тарих ўқитиш  
методикаси» кафедраси доценти,*

*тарих фанлари номзоди*

*Аманбаев Темур Ғайратбаевич*

*Нукус давлат педагогика институту*

*Сиртқи бўлим декан ўринбосари*

**Таянч сўзлар:** Жанубий Орол бўйи, Хоразм, илм, археологик тадқиқотлар, экспедициялар, тош даври, қадимги давр ёдгорликлари, антик давр ёдгорликлар, ўрта аср ёдгорликлар, моддий маданият.

**Аннотация:** Мақолада Қорақалпоғистонда археология илмининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари таҳлил этилган. Мақолани ёритишда археологик адабиётлардан кенг фойдаланилди. Қорақалпоғистонда археология илмининг юзага келиши XX асрнинг 30-йилларига тўғри келади. XX асрнинг 70-йилларида маҳаллий мутахассислар шаклланади. Ўша даврдан археологлар томонидан ўлканинг қадимий ёдгорликларини ўрганиш бўйича кенг кўламли археологик тадқиқот ишлари олиб борилади. Археологик тадқиқотларда Қорақалпоғистон халқларининг моддий маданияти тарихини ёритувчи бой артефактлар аниқланди ва улар илмий муомулага киритилди.

Жанубий Орол бўйи худуди қадимдан турли этник бирлашмаларни ташкил этувчи ўтроқ ва кўчманчи халқлар жойлашган тарихий минтақа ҳисобланади. Ушбу худуд қадимги Хоразм давлати худудини ўзида жамловчи ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти, қўйи Сирдарё бўйлари бўлиб, ушбу масканда аجدодларимиз томонидан яратилган минглаб ёдгорликлар жойлашган. Биргина Қорақалпоғистон Республикасида жами 288 та маданий мерос объектлари миллий рўйхатга киритилган. Шундан: 131 таси археологик, 24 таси архитектура, 88 таси монументал санъат асарлари ва 45 та диққатга сазовор жойлар ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида республикамизда минг йиллик моддий маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. Улардан Бурахон ота мақбараси, Назлимхон сулув мақбараси, Шамун Набий мақбараси каби меъморий объектлар, шунингдек Қизил қалъа, Фил қалъа, Катта Гулдурсин қалъа, Тўпроққалъа каби археологик объектларда консервация-реставрация ишлари олиб борилди.

Айниқса, сўнгги йилларда Хаким ота мақбараси мажмуасини ислом зиёру туризми марказларидан бирига айлантириш ва мажмуада ободонлаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Археологик тадқиқотлар натижасида Жанубий Орол бўйи минтақасида инсоният тош давридани яшаб келаётганлиги аниқланган. Тарихий даврларнинг деярли барча босқичларига оид аждодларимиз томонидан ёратилган маданий ёдгорликлар ўлкада жойлашган. Айниқса, антик ва ўрта асрларга оид ёдгорликлардаги археологик тадқиқотларда аниқланган ақлни лол қолдирувчи монументал меъморчилик, сополдан ишланган терракота ҳайкалчалар гўзаллиги ва рельефли тасвирларнинг ўта нозик дид билан ясалганлиги, тасвирий санъат асарларининг ёрқин буёқлари ва ниҳоят ҳунармандчилик маҳсулотлари Жанубий Орол бўйи минтақасидаги халқлар маданияти барча даврларда ҳам тараққий этганлигининг яққол исботидир. Жанубий Орол бўйининг археологик харитасига назар ташлар эканмиз, минтақада сўнгги палеолит давридани то XIX асрга қадар даврлар мобайнидаги қадимий шаҳар, кўрғон, мақбара, масжид, мадраса, хонақоҳ, карвон-сарой каби юзлаб археологик ёдгорликларни кузатишимиз мумкин.

Минтақадаги ушбу каби бой маданий меросимизни ўрганишда 1937-1991 йилларда С.П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик-этнографик экспедицияси ходимлари Я. Ғуломов, Ю.А. Рапопорт, Е.Е. Неразик, А.В. Виноградов, М.А. Итина, С.А. Трудновская, А.В. Гудкова, Б.В. Андрианов, М.Г. Воробьева, Н.Н. Вактурская, О.А. Вишневская, Б.И. Ваинберг каби кўплаб олимлар томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларида аниқланган археологик маълумотлар аҳамияти ниҳоятда беқиёсдир. Улар томонидан олиб борилган тадқиқотларда аниқланган тарихий янгиликлар 15 та жилдли «Труды хорезмский археолого-этнографический экспедиции» номли тўпламда, 6 та жилдли «Материалы хорезмской экспедиции» номли тўпламда ва бошқа кўплаб тўпламлар, монографиялар нашр этилди ва жамоатчиликга етказилди. Албатта, Жанубий Орол бўйидаги қадимги Хоразм цивилизацияси ютуқларининг кашф қилинишида Хоразм археологик экспедицияси ходимларининг буюк хизматлари барчамизга маълум.

XX аср 60-йилларидан бошлаб собиқ иттифоқдаги илмий марказдан юборилган археологлар билан ҳамкорликда маҳаллий кадрлар минтақа халқлари моддий маданияти ўрганишда бесовита иштирок эта бошлади. Бунда уларнинг тажриба ва устозлик вазифаларини бажариши маҳаллий кадрларининг етишиб чиқишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, 1958 йилда Нукусда ЎзРФА нинг Қорақалпоқстон филиалида археология бўлимининг очилиши маҳаллий археологларнинг минтақадаги археологик тадқиқотларда иштирок этишини янада жадаллаштирди. Ўша даврлардан бошлаб В.Н. Ягодин, М.М. Мамбетуллаев, Е.Бижанов, Т.К. Ходжайов, Н. Юсупов каби маҳаллий археологларимиз

томонидан қўйи Амударё, Устюрт паст-текислиги билан Хоразм воҳаси худудларидаги ўтроқ аҳоли ва кўчманчи халқлар ёдгорликларида маршрутли ва мавсумий характердаги тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, Миздакхон, Жанпикқалъа, Ҳайвонқалъа, Тўкқалъа, Қўрғонча, Катта Айбуйир, Қизқалъа, Хива каби ёдгорликларининг қадимги ва ўрта асрларга оид маданий қатламлари ўрганилди. Ушбу тадқиқотлар натижасида Жанубий Орол бўйидаги ўтроқ ва кўчманчи халқлар шаклланиши, этногенези ва моддий маданиятига оид тарихий маълумотларни янада бойитди.

Ўша даврда Қорақалпоғистонли археолог В.Н. Ягодин ва А.В. Гудковалар ҳамкорлигида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўйи Амударёнинг ўнг соҳилида Ҳайвонқалъа, Тўкқалъа, Қўрғонча, Бағдод қалъа каби ёдгорликларни ўзида жамловчи илк ўрта асрларга оид «Кердер маданияти» деб номланувчи янги маданият ўчоғи очилди. В.Н. Ягодин ташаббуси билан «Хайван-калараннесредневековый Кердер», «Вопросы антропология и культура Кердера» номли кердерликларининг этногенези ва моддий маданиятига оид илмий тўпламлар нашрдан чиқарилди.

Қорақалпоғистонли В.Н. Ягодин, М. Мамбетуллаев, Ғ. Ходжаниязов, М-Ш Қдырниязов каби археологлар нафақат Ўзбекистонда, балки халқаролик миқёсда ҳам ўз нуфузли ўрнига эгадир. Жумладан, В.Н. Ягодин Рус археология жамияти, Нью-Йорк Фанлар академияси аъзоси, Австралия Илмий Кенгашининг халқаролик эксперти, шунингдек халқаролик фонд ва ташкилотлар томонидан ўтказиладиган турли тадбирларда иштирок этади.

Қорақалпоғистонли археологларнинг халқимиз тарихини ўрганишдаги фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Улардан М. Мамбетуллаев, М-Ш. Қдырниязов «Қорақалпоғистонга хизмат кўрсатган фан арбоби», В.Н.Ягодин «Меҳнат шухрати» ордени, Ғ. Хожаниязов «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони билан мукофотланди. Қорақалпоғистонда 20-асрнинг 70-йилларидан маҳаллий археолог мутахассислар шаклланди ва ўлка археологиясини ўрганишда жонбозлик кўрсатишди. Қорақалпоғистонли археологларнинг Жанубий Орол бўйи минтақаси халқларининг бой моддий маданияти ва тарихини ўрганишдаги илмий-ижодий хизматлари беқиёс бўлиб, Ватанимиз тарихини ўрганувчилар учун катта ғурур бағишлайди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Бижанов Е.Б. Каменный век Устюрта. –Автореф. соис.док. ист. наук. –Ташкент. 1996. -42 с.
2. Мамбетуллаев М.М. История и культура Южного Хорезма античной эпохи (города и поселения в IV в. до. н.э.- IV в. н.э.).–Автореф. соис.док. ист. наук. – Ташкент. 1994. -46 с.
3. Қдырниязов М-Ш. Культура Хорезма XIII-XIV вв.–Самарканд. 2015.320 с.